

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАДИДШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

ҲУСНИДДИН ШАРИПОВ

**ШАРҚ АДАБИЁТИ
ДУРДОНАЛАРИДАН
ТАРЖИМАЛАР**

Тошкент – 2025

УЎК: 821.512.133'81'25

КБК: 81.2 - 7

III - 25

Ҳусниддин Шарипов. Шарқ адабиёти дурдоналаридан таржималар. — Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025. — 46 бет.

Нашрга тайёрловчилар:

Рустам Шарипов

филология фанлари доктори (DSc)

Баҳром Шарипов

шарқшунос, дипломат

Тошкент давлат шарқшунослик университети Жадидшунослик илмий-тадқиқот марказида нашрга тайёрланган кўлингиздаги китобдан Ўзбекистон халқ шоири Ҳусниддин Шарипов томонидан X асрда ҳамда XI аср бошларида яшаб, араб тилида ижод қилган мовароуннахрлик ва бир қатор хуросонлик шоирлар қаламига мансуб бўлган асарларнинг таржималари ўрин олган. Шеърӣ асарлар таржимаси таниқли шарқшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Исматулла Абдуллаев томонидан арабчадан ўзбек тилига қилинган сўзма-сўз таржима асосида амалга оширилган.

Мазкур намуналар араб тилини ўрганаётган ҳамда таржима назарияси, бадий таржима йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрант ва тадқиқотчилар учун, шунингдек, барча шарқ шеърӣяти ихлосмандалари учун қизиқарли ва фойдали бўлади, деган умиддамиз.

© Ҳусниддин Шарипов, 2025.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025.

ЎН АСР ОША

Адабиётшуносларимиз ўзбек мумтоз шеърятини чуқур ўрганишган, ҳатто эзиб-сувини ичиб юборишган, десак муболаға бўлмас: айниқса буюк Алишер Навоий даври назму наволарини! Тўқ тупроқда ўсган дарахтнинг меваси мўл бўлади. Бобошоирларимиз ижодига, жумладан кейинги юз йил ичида яратилиб, тасаввуфий тимсоллар оламига бағишланган илмий асарларимизнинг ўзи кўп минг жилдли кутубхонани ташкил этиши мумкин.

Ана шу бисотнинг залвори босибми, эҳтимолки тадқиқотчиларнинг камчил ва камсуқумлиги сабаб бўлгани учунми, юртдошларимиз тили ва дилида асрлардан асрларга ўтиб келаётган, муаллиф имзоси билан безатилган бўлмаса-да, юксак орзу-умидларга омухта назмийатни камтарона «халқ ижоди» деб қўя қоламиз. Ҳолбуки ҳар бир нарса ўз устаси номи билан қадрли.

Бундан чорак аср муқаддам ҳамшаҳрим, машрабзода олим Исматулла Абдуллаевнинг X аср мутафаккири Абу Мансур ас-Саолибий тазкираларига суяниб яратган йирик қўлёзма-тадқиқоти билан танишиб қолдим. Асар Ўрта Осиё ва Хуросон ўлкасида яшаган, ас-Саолибийга замондош арабийнавис шоирларнинг ижодини таҳлил этарди. Замон мураккаб, шоирларнинг тақдири ҳам, ўз асарларига ўхшаб, гоҳ баланд ё паст, гоҳ ёрқин ё ҳасратли эди. Масалан, Абу Толиб ал-Маъмуний асли халифа ал-Маъмун авлодидан бўлса ҳам, тахт талошларидан бурни қонаб, жонажон Бағдодини ташлаб кетади. Бир муддат Рай ва Нишопурда яшайди. Сўнг Хуросон орқали Бухорога келиб, ўн беш йилча ижод қилгач, шу ерда вафот этади.

Яна бир жаҳонгашта шоир Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ҳаёти ундан ҳам алғов-далғовли. У Хоразмда туғилиб-ўсган. Қалами пешланиб, ёши йигирма бешларга етганида шоир ўз юртини тарк этади, Ироқ ва Шом сари йўл олади. Саройларда хизмат қилиб, дўст-ёр орттиради. Орадан сал ўтиб, шоир Бухорога келгач,

дўстлари қаторига вазир Абу Али Балъамий ҳам қўшилади. Сўнг у, сарой ғийбатчиларидан қочиб, Нишопурга, кейинроқ Сижистонга юз тутди, бу ерда қамалиб ҳам чиқади. Шерозда бироз жон асрагач, яна Нишопурга қайтиб, умрини ғарибона яқунлайди.

Бухорода туғилиб, шу ерда умргузаронлик қилганларга ҳам осон бўлган эмас. Мана, Абу Таййиб Мусъабий. Рудакийнинг дўсти. Зуллисонайн шоир. Хуш хулқи ва билимдонлиги учун амир уни сарой котиблигидан вазир қилиб кўтаради ва, афсуски, бир неча ой ўтар-ўтмас, яна амирнинг ўзи шоирни қатл этиш ҳақида ҳукм чиқаради ва ҳукм ижро этилади.

Бундай мисоллар кўп: Ас-Саолибий тазкираларида тўрт юз ўн бешга яқин, жумладан 50 бухоролик ва етти хоразмлик шоир асарлари тилга олинган. Уларнинг тақдирлари – юқорида кўрганимиздек – турлича. Лекин асарлари ўз мазмуни, фикри, оҳанглари, бўёқлари билан бир-бирини тўлдиради, ўша давр руҳи ва кайфияти, манзара ва тушунчаларининг бадиий бирикмасига айланади, кўз ўнгимизда Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакий каби алломалар нафас олган муҳитни намоён этади.

Шеърят турларига келсак, X асрда кенг тарқалган қасида жанри фақат баланд парвоздангина иборат бўлиб қолмай, тимсоллар нисбати асосига қурилар эди. Шунинг учун ҳам кейинча ундан ғазал ва васф ажралиб чиқди. Академик Е.Э. Бертельснинг ёзишича, халифа Ҳорун ар-Рашид бирор буюмни давра ўртасига қўяр экан-да, шоирлардан уни жуда ўзига хос йўл билан сифатлашни сўрар экан, энг муваффақиятли ва мукамал васфлар учун катта-катта мукофотлар берар экан. Ўша маҳалда ҳажв ва марсия жанрлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу ҳол ижодкорларнинг турмуш ҳақиқатларига анчагина яқин турганларидан далолат беради. Худди шу боис, бир ёнда Наврўз ва ҳосил байрами – Меҳржонга аталган дилрабо асарлар янграса, яна бир ёнда қариликдан шикоят ва мўйсафидона панд-насихатлар туғилаверган.

Камтар олим Исматулла ака ўз илмий тадқиқоти ва ундаги мисол сифатида келтирилиб, арабчадан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган шеърӣй парча ва лавҳалар мени қизиқтириб қолганини сизди шекилли, оҳиста «агар уларни авайлаб ўзбекчага бадий таржима қилиб бера олсангиз, икки дунё савобига дохил бўлардингиз» дегандай лутф қилди, гўё ҳамкорликка чорлаб. Мен таклифни қабул қилдим. Чунки бу асар, айниқса шеърлар, гўзаллигидан ташқари, ҳозирги илм аҳлига ўз замондошлари ижодини қадрлаш борасида амалий сабоқ бўлиши мумкин эди. Ўша ҳамкорлик меваси таъби нозик шеърхонларимизга ҳам маъқул бўлар деган умиддаман.

Хусниддин Шарипов
Ўзбекистон халқ шоири

15.07.2008

АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙ Х АСР АРАБИЙНАВИС ШОИРЛАРИ ИЖОДИ ҲАҚИДА

IX-X асрларда ҳозирги Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳудудида яшаган халқлар Саффорийлар, Сомонийлар, Бувайҳийлар ва бошқа сулолалар ҳукмронлиги остида кун кечирганлар. Шунинг учун ўша давр адабиётини биз алоҳида Эрон, Афғонистон ёки Ўрта Осиё адабиётига ажрата олмаймиз. Бадиий, илмий ва бошқа асарлар форс-тожик ва араб тилларида ёзилган. Ушбу мақолада Эроннинг X асрдаги араб тилида яратилган адабиёти ҳақида фикр юритмоқчимиз. Хўш, араб тили Эронга қандай қилиб кириб келди?

VII асрдаги араб истилоси араб қабилаларининг Эронга кўчишига олиб келди. Кўпгина ерлар араб заминдорлари ва давлат кўлига ўтди. Арабларнинг Эронга кўчиши билан бирга бу ерга араб тили ва ёзуви адабий тил ва дин тили сифатида кириб келди.

VII-X асрларда араб тили Эрон ҳудудида шундай ўрнашиб қолган эдики, асли келиб чиқиши форс бўлган адабиёт, илм ва маданият намояндалари ҳам шу тилда ижод этганлар.

IX-X асрларга келиб, Бағдод халифалигининг айрим ўлкалари халифаликдан ажралиб чиқа бошлади. Эрон ва Ўрта Осиё ерларида амалда мустақил бир неча давлат ташкил топди. Улар орасидаги йириклари қуйидагилар: жануби-шарқда Саффорийлар давлати (861-900 йиллар), ғарбий ва жануби-ғарбий Эронда Бувайҳийлар давлати (945-1055), шимоли-шарқда Сомонийлар давлати (875-999 йиллар). Бу даврда араб тили аста-секин ўз ҳукмронлигини йўқотиб, унинг ўрнини маҳаллий халқ тили бўлган дарий ёки форсий тили эгаллай бошлайди. Даврнинг буюк олим ва шоирлари ўз асарларини шу тилда ёза бошлайдилар. Шарқий Эрон халқларининг буюк шоири Дақиқий форсий тилда шеърӣ услубда эронликларнинг араб истилосига қадар тарихини ёзишга киришди. Буюк шоир Фирдавсий (934-1027) унинг давомчиси бўлди. У ўзининг «Шохнома»сини форс

тилида ёзди. Лекин бу даврга келиб араб тилида ижод қилиш бутунлай тўхтаб қолди дейиш, хато бўлар эди. Араб ва араб бўлмаган маҳаллий шоирларнинг кўпчилиги ўз асарларини шу тилда ёзганлар.

X асрнинг форс-тожик адабиёти кўпгина олимлар томонидан ўрганилди ва илмий ишлар қилинди¹. Лекин Эроннинг ўша даврда араб тилида ёзилган поэзияси чуқур ўрганилмаган. Машхур шарқшунос олим Е.Э. Бертельс шундай дейди: «IX-X асрларда Эронда пайдо бўлган араб поэзияси шу кунгача жуда суст ўрганилган»². Биз бу масалани урганишимиз учун қимматбаҳо манба – ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр» тазкирасига эгамиз³. Бу тазкира ҳам бадий, ҳам тарихий аҳамиятга эга. Чунки унда кўплаб тарихий фактлар келтирилган.

Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсабурий ўз даврининг йирик олими, ёзувчиси, адабиётшуноси, тилшунос ва тарихчиси ҳисобланади. Ас-Саолибий 350 (961) йилда Нишопурда туғилиб, 429 (1038) йили шу ерда вафот этган.

Ас-Саолибий кўпгина асарларнинг муаллифидир. Лекин уни кўпроқ машхур қилган асар «Йатимат ад-даҳр» тазкирасидир. Китобнинг тўла номи *يَتِيمَةُ الدَّهْرِ فِي مَحَاسِنِ أَهْلِ الْعَصْرِ* «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Замона аҳлининг фозиллари ҳақида ягона дурдона»). Бу тазкира тўрт қисмдан иборат бўлиб, ўз ичига X аср бошидан XI аср бошигача бўлган даврни олади.

Академик И.Ю. Крачковскийнинг кўрсатишича, ас-Саолибий бу китобни ёзишга ҳижрий 384 (милодий 994) йилда киришади ва 995-1000-йиллар мобайнида ёзиб тугатади⁴. Тахминан 20 йиллардан кейин китобни иккинчи марта қайтадан ёзиб кенгайтиради⁵.

«Йатимат ад-даҳр»нинг ҳар бир қисми 10 бобдан иборат.

Биринчи қисмга ҳамадонийлар сулоласи, шоирларининг шеърлари, улар ҳақида маълумотлар, Сурия, Миср, Мўсил ва Мағриб шоирлари ҳақида маълумотлар киритилган.

Иккинчи қисм бувайҳийлар сулоласи шоир ва амирларига бағишланган.

Учинчи қисм Жабал, Форс, Журжон, Табаристон ва Исфаҳон шоирларига бағишланган ҳамда улар ҳақида маълумотлар ва шеърларидан парчалар берилган.

Тўртинчи қисмга сомонийлар сулоласи даври ва ғазнавийлар давлатининг бошларидаги Бухоро, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда яшаган шоирлар ва улар ҳақида маълумотлар киритилган.

«Йатимат ад-даҳр»нинг барча қисмларида жами 415 дан ортиқ шоирларнинг шеърлари ва улар ҳақида маълумотлар жамланган. Бу тазкира Европа ва Шарқнинг кўп олимларига маълумдир. Ундан олинган парчалар ас-Саолибийдан кейинги бир қанча тарихчи, адабиётчи ва тилшуносларнинг асарларига киритилган. А.Е. Крымский, Е.Э. Бертельс, Забиҳулло Сафо, А. Мирзоевлар ўз илмий ишларида «Йатимат ад-даҳр»дан, айниқса, унинг тўртинчи қисмидан кўп фойдаланганлар ва ундан парчалар келтирганлар. «Йатимат ад-даҳр»нинг тўртинчи қисмига фан доктори, профессор И. Абдуллаевнинг бир қатор илмий ишлари бағишланган⁶. И. Абдуллаев томонидан тазкиранинг тўртинчи қисми ўзбек тилига тўла таржима қилинди ва илмий изоҳлар берилди⁷.

Юқорида айтганимиздек, «Йатимат ад-даҳр»нинг учинчи қисми Эроннинг Жабал, Форс, Журжон, Табаристон ва Исфаҳон шаҳарларида яшаб, араб тилида ижод қилган шоирларга бағишланган. Ас-Саолибий тазкирага киритилган шоирларнинг тўла таржимаи ҳолини бермайди ва буни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймайди ҳам. Фақатгина амир ва вазирларнинг муфассалроқ таржимаи ҳолини беради, холос.

Тазкиранинг учинчи қисми X асрда Эронда араб тилида ёзилган адабиётни ўрганишда ягона манба бўлиб ҳисобланади. Бу қисмга киритилган 58 шоирдан 10 га яқини – Ибн ал-Амид, Абул-Фатҳ Зу-л-Кифоятайн (Ибн ал-Амиднинг ўғли), ас-Соҳиб ибн

Аббод, Абу-л-Қосим Абд ас-Самад ибн Бобак кабилар ҳақида қисман маълумотлар бошқа манбаларда бор.

Учинчи қисмга киритилган шоирлардан бири – Қобус ибн Вушмгир – Журжон амири бўлган (10-боб, 59-61-бетлар)⁸. Тўртта шоир – Ибн ал-Амид (158-184 бетлар), Абу-л-Фатҳ Зу-л-Кифоятайн (185-191), ас-Соҳиб Абу-л-Қосим Исмоил ибн Аббод (192-290), Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Иброҳим аз-Заббий (291- 298) – бувайҳийлар вазирларидандир. Бу беш шоирнинг ҳар бирига учинчи қисмда алоҳида-алоҳида боб ажратилган. Қобус ибн Вушмгирдан ташқари қолганларининг таржимаи ҳолларидан кўплаб маълумотлар ва шеърларидан анчагина намуналар берилган.

Бир қатор шоирлар – Абдон ал-Исбаҳоний (300-304), Абу Саид ар-Рустамий (304-325), Абу-л-Ҳусайн ал-Ғувайрий (340-342), Абу Саъд Али ибн Халаф ал-Ҳамадоний (412-413) ҳақида қисқача маълумотлар берилиб, шеърӣ намуналар келтирилади. Абу-л-Ҳусайн Али ибн Ҳаммад ибн Маъмун ал-Абҳарий (408), Абу Али ал-Ҳасан ибн Муҳаммад аз-Заббий (409), Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абу-л-Қосим ал-Қошоний (413), ал-Қозий Абу Бакр ал-Осий (416) ва бошқа бир қанча шоирлар ҳақида тазкирада маълумот келтирилмай, шеърларидан бир нечтадан намуналар берилган, холос. Учинчи қисмда яна бир қатор шоирлар борки, ас-Саолибий улар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган ҳолда уларнинг шеърларидан бир неча мисра келтириш билан чекланади. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Батҳовий шеърларидан олти байт (417-бет), Ибн Ҳаммод ал-Басрий шеърларидан беш байт (417), Шамсувайҳ ал-Басрий – икки байт (417), Абу-л-Фазл ан-Наҳрусий – икки байт (418), Аҳмад ибн Бандор – икки байт (418), Абу Абдуллоҳ ал-Хузӣй – икки байт (422), Абу-л-Ҳасан ибн Абу Саҳл ал-Аррожоний – икки байт (423), Абу Али ибн Ғайлон ас-Сайрофӣй шеърларидан икки байтдан (423) намуналар келтирилади, холос.

Шоирлардан бири Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад аш-Шошӣй ал-Омирий шошлик (тошкентлик) шоирдир. У Шошда

туғилиб, Рай шахрига ас-Соҳиб ибн Аббод ёнига кўчиб кетган. Учинчи қисмда унинг тўртта қасидасидан катта парчалар келтирилган, шулардан учтаси ас-Соҳибга, биттаси амир Фахр ад-Давлага бағишланган.

Ас-Саолибий «Йатимат ад-дахр»нинг тўртинчи қисмида бошқа бир шошлик шоир – Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Матрон ал-Матроний ҳақида маълумот бераётганида аш-Шошийнинг номини эслатиб кетади. Лекин унинг лақабини Абу Иброҳим эмас Абу Омир деб берган⁹.

Учинчи қисмдан жой олган шоирларнинг келиб чиқишларига назар ташласак, қуйидаги манзарани кўрамиз. Шоирлардан икки киши Қум шахридан, икки шоир Рай шахридан, исфахонликлар олти киши, Ироқдан икки киши. Юқорида айтганимиздай, шоирлардан бири Шош шахридан, шоирлардан уч киши Шероздан, Журжон шахридан тўрт шоир, уч киши табаристонлик шоирлардир ва ҳоказо. Баъзи шоирларнинг туғилган ва яшаган жойлари ҳақида маълумот берилмайди.

«Йатимат ад-дахр»даги шеърларнинг асосий қисми қасида, ҳажвиёт, васф ва бошқалардан иборат. Баъзи шеърлар чуқур фалсафий фикрга эга. Бунга Абу-л-Фатҳ Зу-л-Кифоятайннинг қуйидаги икки байти мисол бўла олади (191-бет):

«Одамлар бу дунёга биздан олдин кириб келишди,
Улар оламдан ўтиб, уни бизга ташлаб кетишди.
Биз бу дунёга худди улардай кириб келдик
Ва уни биздан кейин [келадиган] одамларга ташлаб кетамиз».

Китобда муҳаббат ва май мавзуидаги шеърлар ҳам бор, лекин улар нисбатан оз. Ас-Соҳиб ибн Аббоднинг шу хусусда ёзган бир байт шеъри:

«Муҳаббат — [одамни] маст қилувчи ичимлик,
унинг хумори — ўлим,
Унда [яъни муҳаббатда] ҳатто сўлиш
ва оғир ҳасталик ҳам тузалар»¹⁰.

Китобдаги асарларнинг ҳаммаси шеърий парча бўлиб, бирорта шеър тўла берилмаган. Ҳажвлар орасида куюшқонидан чиқиб кетганлари ҳам учрайди. Булар орасида Абу-л-Қосим Ғоним ибн Абу-л-Аъло ал-Исбаҳонийнинг ҳажвий шеъри (325-бет), ас-Соҳиб ибн Аббоднинг Ибн Матвайҳга қаратилган 10 та, бошқаларга аталган 20 дан ортиқ ҳажвиялари бор. Тазкирадан кўпгина чиройли васфий шеърлар жой олган, масалан, нордон апельсин ва сабур (алоэ) васфи (265), узум донаси, шам, анжир (266), товуқ (296), Сурайё туркумидаги юлдузлар (296) васфлари. Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Жавҳарий анор донасини жуда чиройли тасвирлайди (IV, 31 бет):

«Анорнинг нозик доналари

худди тиғ теккан нодир ёқутдайдир.

Мен уларни ўз ранги ва мусаффолиги билан

юрак қонидан чиқаётган ёш қатраларига ўхшатаман».

Насиҳат мавзуидаги, қариликдан шикоят ва қарилик ҳақида бир қатор шеърлар ҳам тазкирада ўз жойини топган. Мисол сифатида Абдон ал-Исбаҳонийнинг тўрт сатр шеърини келтирамиз (III, 30-бет):

«Сочим оқи душманларимни қувонтиради,

У ўлим жарчиси ва ҳаётимни заҳарловчидир.

Одамлар соч оқини ёмон дейдилар, аммо

У ажал келишини билдириб, менга ҳузур бахш этади».

Жаҳон маданияти барча халқлар ижодининг маҳсулидир. Адабиёт эса халқлар орасидаги маънавий кўприк вазифасини адо этади. Ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр» асари Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқлари маданияти орқали уларнинг дунёқараши, бадий тафаккурида қандай яқинликлар борлигини намоён этишчи мисолларга бой энциклопедик характерга эга манба ҳисобланади. Биз таҳлил қилишга ҳаракат қилган учинчи қисмдаги шоирлар Шарқ Уйғониш даври руҳини маълум даражада акс эттирганлиги билан диққатга сазовордир.

¹ Уларнинг энг муҳимлари: А.Е. Крымский, История Персии, её литературы и истории. М., 1915; Е. Браун, Эрон адабиёти тарихи. Кембридж. 1928, 1956 (инглиз тилида); Е.Э. Бертельс, Персидская поэзия в Бухаре X в., М.-Л., 1935, “Избранные труды”. М., 1988.; زبيح الله صفا، تاريخ ادبيات در ايران (Техрон, 1335-1336 ҳижрий йиллар).

² Е.Э. Бертельс, Кўрсатилган асар, 388-бет.

³ Биз тазкиранинг 1956 йилги нашридан фойдаланганмиз. Йатимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср. Қоҳира, 1375 ҳ.й. (1956). Бундан кейин “Йатимат ад-дахр” деб берилади.

⁴ И.Ю. Крачковский, Абул-Фарадж ал-Вава Дамасский. Петроград, 1914, с. 9.

⁵ محمود عبد الله الجادر، الثعالبي ناقدا و ادبيا Бағдод, 1976, 33-бет.

⁶ И. Абдуллаев, Поэзия на арабском языке в Бухаре при Саманидах в X в. по «Йатимат ад-дахр» ас-Саалиби, канд. дис., 1963; И. Абдуллаев, Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X – начала XI вв., Ташкент, 1984.

⁷ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И. Абдуллаев, Тошкент, 1976.

⁸ Учинчи қисмнинг охириги 9 ва 10-боблари тўртинчи китобнинг бошида келтирилган.

⁹ Йатимат ад-дахр, IV, 115-бет.

¹⁰ Йатимат ад-дахр, III, 258-бет.

Баҳром ШАРИПОВ
шарқишунос, дипломат

***Саолибий ёки Абу Мансур ас-Саолибий.**

Тўлиқ номи: Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий; 961-йил -1038-йил) - ёзувчи, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи олим ва сайёҳ.

Арабистон, Ироқ, Испания, Хуросон ва Мовароуннаҳр бўйлаб саёҳат қилган. 992 йилда Бухорога, сўнг Хоразмга келган. Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун (хукмронлик даври: 1009 – 1017 йиллар) саройида хизмат қилган, унга атаб асарлар ёзган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг “*Yatimat uddahr fi mahosin ahl al-asr*” (“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси“) тазкираси машҳур бўлиб, у ўша давр Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва араб адабиёти ҳақидаги ноёб манбадир. Асарнинг илк нусхаси 994-1000 йилларда ёзилган бўлиб, муаллиф 1011-17 йилларда уни қайта ишлаб тўлдирган ва хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга тақдим этган. Тазкира муқаддима ва 4 қисм (40 боб)дан иборат бўлиб, унда X аср ҳамда XI аср бошларида араб тилида ижод қилган мовароуннаҳрлик ва бир қанча хуросонлик шоирлар ҳаёти ҳамда ижоди ёритилган. “*Tatimmat al-Yatima*” (“Ягона дурдонага қўшимча“, 1032-38) асарида эса “*Yatimat uddahr*”га кирмай қолган ёки кейинчалик танилган яна 209 шоир (улардан 104 нафари Мовароуннаҳр ва Хуросондан) ҳақида маълумот берилган.

Саолибийнинг “*Kitob latoif al-maorif* “ (“Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб“) асари бувайҳийлар сулоласи вазири ас-Соҳибга бағишланган. Ас-Саолибий исломгача ва ислом даврида ўтган кўплаб шоирлар, машҳур кишилар, халифалар, лашкарбошилар ва уларнинг таҳаллуслари, тўғрисида нодир маълумотлар келтирган. Асарда муҳим тарихий ва этнографик маълумотлар, Саолибий ва унга замондош арабийнавис шоирларнинг шеърларидан парчалар мавжуд.

**Wikipedia/ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Saolibiy>*

АБУ ТОЛИБ АБДУССАЛОМ МАЪМУНИЙ

Шамдон ҳақида:

Қаранг – боғ, боғда бир улкан дарахт – шам,
Уни туққан эмас ер ҳам, само ҳам.

Олов ҳам мева бахш этмайди унга,
Нечунки, тилладир боғдек бу олам.

Курси ҳақида:

Ёзай ҳордиқ десам, бор яхши жойим,
Мен ўлтирсам, турар у тикка доим.

Оёқ ҳам кифти пурқувват темирдан,
Ўриндиқ чарм-ку, аммо кўп мулойим.

У мағрур курсига кўнсам баногоҳ,
Бўлиб халқ қул, ўпар гўёки пойим.

Кажава ҳақида:

Унда ҳам бир жуфт қулоқ бор, лек эшитмас сўзни,
Қорни ҳам бордир ташиб юрмоққа ризқу рўзни.

Иш деган ризқ-рўз ила битмас мудом оилада,
Тенг кўтаргай шул сабаб ортиқ билан кам-кўстни.

Товламас асло бўйин ҳеч қайда ул ҳожатбарор,
«Чарчадим» деб ногихон, бир четга олмас ўзни.

Унга сир айтсанг бозор ичра, этар тез ошкор
Нортуянг ўрқачларидан куйдириб кўп кўзни.

Ҳабиса ҳақида:

Ул ҳабиса шакару ёнғоқ аро
Эрди пинҳон, қўйдилар сўнг жом билан.

Тотса ҳар ким, бешта бармоғин қўшиб
Ютганин сезмай қолар илҳом билан.

Қуймоқ ҳақида:

Кутар хонамда меҳмонимни қуймоқ,
Бўлибдир мой эмиб хуштаъм ва хуштаъб.

Юзин оташ ўпиб, у чехра очмиш
Атиргуллар аро ясминга ўхшаб.

Сиёҳдон ҳақида:

Мусаффо шиша у, бир қатра кўл янглиғ
Тўкилмиш ерга гўё тоза осмондан.

Совут кийган, совутнинг рангги ёрқинроқ
Бурундан тирқираб оққан қизил қондан.

Агар қалб бўлса у, қалб-чун ўриндир бу,
Туби лекин қаророқдир зимистондан.

Сабабки, тонгда қочган тун қаросидек
Қаро, тунд томчилар жой олди бул ёндан.

Уларни, марвариддондек эринмай ҳеч,
Ғилоф асраб турар ҳар яхши-ёмондан.

АБУ БАКР ХОРАЗМИЙ

I

Гар шикоят айласанг соч оқидан, тухмат бўлур,
Бўлса оқ сочинг экин, умринг уруғдир ҳар қалай.

У шаробдир, кайфи бирлан жалб этар доим сени,
Сўнг кулиб кайфдан, шаробни мадҳ этармиз ўйламай.

II

Ҳеч қачон тенг тўлмагай оламда чўнтак ҳам қадах,
Гар қадах тўлсин десанг, аввал бўшат ҳамёни.

III

Бу танбал ҳожатида бўлма ҳамроҳ,
Фасоддан неча солиҳ бўлди гумроҳ.

Сўнар кул бирла қоришганда чўғ ҳам,
Мараз соғ танга сингиб, чектирар оҳ.

IV

Агар ёв бирла дуч келсанг, матонат айлагин зоҳир,
Бўлурсан, сустлигинг ошкор этиб, тупроққа тенг охир.

Кўрар қўлларда эъзоз кўркка тўлган фаслида райҳон,
Кўрар ахлат аро ул ўзни қолган чоғда бесоҳир.

АБУ САИД ШАБИБИЙ

Сенингдек олиҳимматдан жудо бўлдим,
Шабибийда шунинг-чун доғи ҳасрат бор.

Берарди тоза чехранг пок башоратлар,
Юзингни кўргали кўнглимда рағбат бор.

Аё парвардигор, кўрмоқни осон эт
Агарчи мен учун ҳам сенда раҳмат бор.

АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ИБН ИБРОҲИМ РАҚҚОШИЙ

I

Барча мард Абу Саидга жон фидо этгай аён,
Чунки у отликқа устод, посбонга посбон.
Сен замона зулмига тўғон, Аҳмад ибн Шабиб,
Сен кўмак берсанг, ҳужум этмас балолар ногихон.

Элга мақбул ҳар улуғлик сен учун жондош эрур,
Сен башорат айласанг, унгай зафарлардан нишон.

Кўрсатар бўлсанг жасорат, дарс олар Баҳром келиб,
Ҳимматинг ёлқинлари етгай Зухайлга бегумон.

Қасд этиб бедовга минсанг, ҳар заиф топгай паноҳ
Ҳам амал топгай жамики орзулар шул замон.

Гар ўзинг бир жойда турсанг, сўзларинг дунё кезар,
Не десанг, содиқ суворийлар таратгай ҳар томон.

Сен шижоат, ақлу идрок ҳам саховат бобида
Барчадан зилроқ бўлиб, ҳайратдадир торозубон.

Тўхтамай қўнмоқда илкингга зафарлар изма-из,
Худди найсон ёмғирин ёғдирганидай осмон.

II

Сайратар бир чўри қиз ўнг қўл билан тор,
Чап қўли унноб терар ҳар лаҳза хушёр.

Пок яноқдан нур томиб, яшнаб безаклар,
Тунлари ғийбат қилар ул ҳақда бедор.

Кўрса иблис, бош эгиб қилгай ибодат,
Этмагай кибру ҳавосин сўнгра такрор.

Бу жаҳонда қанчалар май ичмайин мен,
Кўзларин бир кайфидай ҳам қилмагай кор.

III

Майим май бўлмагай асло, келиб у кўрмагач бир он,
Надимлар ҳам надим эрмас ва райҳон ҳам эмас райҳон.

Бўлиб ҳолим забун, бермас юпонч ҳаттоки орзулар,
Сабабки, қучди икки ўртада йўлларни ҳам хуфтон.

Бу қайғудан бўлак бир черткига бардош беролмасман.
Наҳотки дўстсизлик дарди бирлан бўлмишам қурбон.

Сени ёдимга олдим қаҳрамонлар бадқовоқ чоғи,
Ажални тиш аро зоҳир этиб кулган маҳал шайтон.

Қоронғу кечада ўқлар учар юлдузга ўхшайдир,
Ҳалокат ёнма-ён, аммо ҳаловат кўп йироқ армон.

Тўкиб қон найзалар йиғлар, чарақлаб кулса шамширлар,
Ҳаво тунддир ғубордан, қон эмиб борлиқ - қизил алвон.

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ҲОМИД

I

Ул Муҳаммад ибн Ҳомид шеър тузиб,
Юрса ўз оташ каломиди жадал,

Насру назм бобида дуч келган ҳариф
Кўп хижолатликка ботгай галма-гал.

Дўстга жон бахш этса ул тутган қалам,
Ёвга бўлгай коса лаб-болаб ажал.

Даф бўлур таҳлика ичра ёвлари,
Дўстларин орзуси топгай тез амал.

Ул улуғ зот умрин, эй парвардигор,
Айла боқий, деб сўраймиз ҳар маҳал.

II

Ҳавас қилган эсанг ҳар нени, бу асно муҳайёдир,
Изоҳат айламак-чун зўр зафар ҳам бўлди тез зоҳир.

Тополмай истаган нарсангни армон қилмагайсан ҳеч,
Фалакнинг сенга қилмиш хизмати аълодан аълодир.

Саодат сенга ҳамроҳдир, ҳаловат сен билан ошно,
Бўлиб қадринг буюк, ҳар не буюрсанг бунда пайдодир.

Ғанимлар узра от солсанг, музаффар туғ бўлур раъйинг,
Саноқсиз ёт қўшинлар ҳайбатинг олдида расводир.

Этилган эрса бул он икки қуён банди, шодланким,
Хиёнаткор бўлур мағлуб, деган бу яхши маънодир.

III

Май ажойиб нарсa, лекин ланж бўлур кайфдан одам,
Севги ҳам аввал ҳаловат, сўнгра келтиргай алам.

Аҳли ошиқ аста-астa ҳурлигин қурбон қилур,
Тан олиб қулликни, маҳбубига сўнг бўлғай қарам.

Эй аёллар, тахтда – сиз, бизнинг юрак – сизлардадир,
Қул бўлиб қолғай у ҳатто йўл йироқ бўлганда ҳам.

Бул жамоат ичра бир ой борки, нозик ҳам нафис,
Ҳар тиши бир дона дўлдир, чехрасин дейман санам.

IV

Менга зўр марҳаматлар айламиш Олло,
Қилурман шул сабаб шукроналар иншо.

Бу инъомдан бири ўғлон, тўлин ойдек,
Зиёси танда этмиш янги куч пайдо.

Жанобим хизматида бўлгуси ҳаргиз,
У хизмат аҳлининг фарзандидир зеро.

Исм бермоқ керак давлатга ёр айлаб,
Бу ишнинг ихтиёри сиздадир аммо.

V

Осонмас наср ила айтмоқ бу сўзларни
Ва лекин шеърга солмоқ ҳам оғир савдо.

Этибдир бахтиёр фарзанд бериб тангрим,
Бу Олло фазлидир, ҳамд айла пурмаъно.

Туғилмиш дўстга дўст бўлмоқ учун ул зот,
У дўстлик риштаси ҳеч бўлмасин бежо.

Бобонинг куняси бирлан янги меҳмон
Абу Аҳмад аталгай, исмидир Насро.

АБУЛФАЗЛ АҲМАД ИБН ҲУСАЙН ҲАМАДОНИЙ

Устозга қўшни ва ҳамроҳ бўлган кишининг ҳоли ўзи
майдан букилса-да, хурсанд юрган майпарастнинг сиёқига
ўхшайдир.

У билан ҳамсухбат бўлиш истаги эса ёмғирда ивиб
патиллаган чумчуқнинг иштиёқига ўхшайдир.

У билан дўстлик худди совуқ сув ила омукта бол эрур.

Унинг зиёратидан туғилган завқ эса қуш қўнгани сабабли
бирор ҳўл новда қувониб ҳис этган ҳол эрур.

АБУЛФАТҲ БУСТИЙНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИДАН

I

У бир маҳбубки, нозик, хушбичим ҳам ишвагар ғоят,
Юзин гўзаллиги қалбимга оташ ташлади такрор.

Қаро зулфи қароликда қолишмас ҳеч зимистондан,
Юзи бир жуфт чирокдир, деб табиат ҳам эмиш иқрор.

II

Узун тунлар кўзимдан қочса уйқу,
Олисдан ой боқар, гўёки дер у:

«Тикилдинг менга кўп, нечун ва тоқай,
Ахир мен сен йўқотган дўст эмас-ку?»

III

Мусаффордир шароб, ҳордингми бехос,
Наҳотки тўхтатурсан кайф-сафони?

Эрур муштоқ сенга лим-лим қадаҳлар,
Намоён эт, келиб, пинҳон зиёни.

Асирликдан бу лаззатларни қутқар,
Берур ёрдам қадаҳларнинг жувони.

IV

Ўзгарокдир ўзга кунлардан бу кун,
Бир-бирин қучмиш булутлар бирла шом.

Урса чакмоқ худди ошиқ қалб бўлиб,
Зил булут кўз ёши ҳеч бўлмас тамом.

Ер юзи мажнун ёноғин эслатар
Унда кўз ёш сели айларкан давом.

Тўртта истак айласин кўнглингни банд,
Яхши кун мазмуни шундандир мудом:

Дўст юзи, айвонда гўзал манзара,
Шод муғанний ҳам шароб тўлган бу жом.

V

Эй саидим, ул китобингдан ёзилмиш ғам бу он,
Тўлди хурсандлик ва шодлик нурига олам бу он.

Сеҳри бор эркан китобнинг, сеҳри хурсандлик эрур,
Шул сабаб ғамдан қутилгай у билан ҳамдам бу он.

Кўп латиф мазмун ва маънолар билан бўлгай никоҳ
Қанча лафзу қанча сўзлар бўлса унда жам бу он.

Шишай асбоб ичинда худди жўшгандай шароб,
Бир мижозли танда руҳдай шод кезар ул ҳам бу он.

VI

Мободо ротакамдан бўлса жаннат,
Бу дунё жаннати – бешак Самарқанд.

Уни Балх бирла таққос этма асло,
Этилмас ҳеч қиёс хантал билан қанд.

VII

Бирон бир кимсани мен ерга урмасмен,
Агар у бўлса ҳам нодон ва ё ахлоқ.

Нечунки, бўлса ҳам кўп бадҳазм, вазмин,
Муфассал иштаҳангизни очар пишлоқ.

VIII

Бирон иш бошласанг, шошма ҳеч, инсон,
Дард етилмай туриб, келмасин бўҳрон.

IX

Ёмонга бадқовоқ бўлсанг, эурсан яхшига хушфеъл,
Шунинг-чун бадқовоқлик бирла хушфеълликни ростлаб кел.

Гаҳи шодликни севган хуштабассум, олиҳимматни
Кўриб дилгир ва ёки дарғазаб, ҳайратда қолгай эл.

Ахир у эрди донишманд, зиёбахш эрди кулгуси,
Қурибдир қоқ бўлиб гулдай, қучиб гўёки аччиқ ел.

X

Агар шоҳ бош кўтармас эрса ишратдан,
Қочар бахт ҳамда тинчлик мулку давлатдан.

Қуёш Мезонда тўхтаб турди, кўрдингми,
Нечун у буржда тўхтабдир саҳар вақтдан?

XI

Ҳеч ажабланманг замондан, хор яшаб аҳли шараф,
Кўп тубанлар чархнинг авжида бўлса ҳар маҳал.

Бу замона зўрларин ҳаққин адо айланг фақат,
Бахтга лойиқ Муштарийдан ҳам баланд тургай Зухал.

XII

Агар султон ўзига этса ҳамкор,
Қачондир қувғуси, бўл шунга ҳушёр.

Қувончли лаҳзада тан олса подшоҳ,
Этар у дарғазаб бўлганда инкор.

Бериб уч ҳисса ошган чоғда Миррих,
Олар тўрт ҳисса ошган чоғда такрор.

XIII

Одам бир яхши бўлгач, сўнг бузилгай,
Ёмонлик ҳам қилар, топгай лавозим.

Ёмоннинг ўрнида ҳатто саодат
Тутолмасдир ўзин покиза доим.

XIV

Қолди қалбим дўст билан олис Нишопур шаҳрида,
Ул каби бир дўст топилмас катта бир давлатда ҳам.

Унга ахлоқ бобидан нисбат берилган сафҳада
Ақлу идрок, илму дониш, шону шуҳрат эрди жам.

XV

Бор менинг бир яхши дўстим, мен учун кўзу қулоқ,
Илдизин ҳар толидан ҳар шохгача бегарду пок.

Дўстлигин кўрдим синаб кўксимни нур қучган маҳал
Ҳамда кўнглимни мусибат айлаганда чок-чок.

Шунда сездим маънилардан ҳам у пурмаънолигин,
У табиат ҳам муҳаббатдан экан лаззатлироқ.

XVI

Яқин дўстингни асло этма таҳқир
Жафокашлик ва ёвлик этса зоҳир.

Сўлар шох, вақт ўтиб топгай чиройин,
Тиниб, покиза бўлгай лойқа охир.

XVII

Агар дўстинг унутган бўлса дўстлик шартини ногоҳ
Ва ё фикрин ғалат сезсанг, бу ҳолдан айла тез огоҳ.

Фикр ҳам бир қиличдай нарсадир, жим ётса занг босгай,
Унга сайқал бериш даркор эрур огоҳ этиб гоҳ-гоҳ.

XVIII

Аввало ахлоқ уларни бир тану жон айлади,
Сўнг бузиб дўстлик уйин, минг воҳки, вайрон айлади.

Ҳеч соғинмас бир-бирин, бўлмиш унут аҳду вафо,
Мен фақат зор, чунки қалбим аҳду паймон айлади.

XIX

Ҳок тўлсин бу замоннинг кўзига,
Кўрмади ҳеч кимса ҳурмат ўзига.

Дўст деган бир кимсадан тўлмас кўнгил,
Чунки содиқмас у дўстлик сўзига.

XX

Замон ҳар бир қабиҳ-чун бўлса лаззат,
Суронлидир карамлиларга албат.

Ақлли ҳамда доноларга қайғур,
Улар-чун бахт эрур ғам-ғусса, зулмат.

XXI

Худо ҳаққи, замонам телба жиндай,
Тупургай юзга бахтсизликни тинмай.

Эгиздир телба бирлан телба зоти,
Шунинг-чун телбалик қил сен эринмай.

XXII

Абулқосим, қилич ҳам найза тутган
Неча зол этди зор мен нотавонни.

Карамли тангримизнинг лутфи бирлан
Омондир мен каби бечора жони.
Отанг икки қилични олди қиндан,
Улар – фиску фасод ҳамда лисони.

Ошиб ҳаддан, боқар қайсар эшакдай
Зулм бобида авжланган замони.

У таҳқир айлади, мен айладим сабр
Ва топдим иззату одил баҳони.

Шуларни ўйла ҳам сабр эт, нечунким
Сенинг даврингнинг ҳам бордир поёни.

XXIII

Фасоднинг отига минган у одам:
Саййид бўлдим, демиш қувнаб дамодам.

Фасод минган билан ким бўпти саййид,
Фикрни чалғитишдан наф эрур кам.

XXIV

Ипни кўп айлаб чигал, сўнг кўп чигалларни ёзиб,
Шону шуҳратдан ғурурланган биродар, тинглаб ол:

Бўлма мағрур ўркач-ўркач минганинг бойлик билан,
Мақтаниш ҳам фойдасиздир, чунки аслинг бир сопол.

XXV

Ёшим сел мисли оқсин кўзларимдан,
Қовурғам ташла ғам отли ўтинга.

Кечамни мўйсафидлик кундуз этгач,
Алам тонггимни айлантирди тунга.

XXVI

Киши кўпроқ яшашни этса орзу,
Демак, йилар насиб топмоқни кўпроқ.

Кетиб қувват, заковат қочса қалбдан,
Ахир, йўқдир яшашдан фойда мутлоқ.

Сўниб ҳис, кўзларин тарк этса ҳам нур,
Яшайверган одам шўрлик эрур, оҳ.

XXVII

Мободо ваъда бобида саховат кўргузар бўлсанг,
Вафо қил ваъдага, шунда одамлар кулмагай алҳол.

Агар тол барг ёзиб бир кун, самар берганда маржондай,
Одамлар ўзга ном танлаб, аташмас эрди асло «тол».

XXVIII

Дурустлик истаган одам тузатсин хулқу атворин,
Кейин топгай у хулқи хуш ила иқбол деган ёрин.

Мободо ушбу сўзларга кетургай бўлса кимдир шак,
Одоблиларга боқсин, ташласин сўнг бойга наззорин.

XXIX

Этмагин таҳқир одамни ҳеч қачон
Бўлса у жулдур кийимлик, ногўзал.

Бўлса ҳам ғоят кўримсиз бол ари,
Не гўзаллар ортидан йиққай асал.

XXX

Дейдиларким, «насли бирлан қолдирар из ҳар одам,
Насли йўқларни бировлар ҳеч қачон этмайди ёд».

Мен дедим: «Ашъорсифат ҳикматларим наслим менинг,
Қалбни, фарзандлар мисол, ҳикматларим айлайди шод».

XXXI

Одам айрилмасин ҳеч бошпаноҳидан,
Ҳузурбахш дўстларин тарк этмасин зинҳор.

Йироқлаб кетса – иззатдан бўлур маҳрум,
Кетиб ўрмонидан, шер бўлганидай хор.

XXXII

Заиф бўлганда ҳам ҳаттоки душман,
Йигит кўп эҳтиёт турмоғи даркор.

Ахир чеккай азоб фил ҳам чивиндан,
Қипикдан кўзга гоҳ етгуси озор.

АБУ СУЛАЙМОН ХАТТОБИЙ

I

Кўнгил дер: «Кошки саҳродан учиб келган шу бир хуррам
Ва сайраб тўймаган оддий, қиёссиз қуш бўлиб қолсам...»

Шамол қийнайди, таҳқирлайди боннинг шохларин тинмай,
У қуш чайқалган ул шох узра соз айтар туриб маҳкам.

Агар оч қолса, у тупроқ титар оҳиста дон излаб,
Мободо бўлса чанқоқ, сув учун ҳам чекмагай кўп ғам.

У ўйлаб эртанинг ризқин кечирмас тунларин бедор
Ва бермас эрта, яъни охирот келгач ҳисобот ҳам.

Фақат лаззатни тотдинг, кўрганинг ҳам яхшилик бўлсин,
Ўзин бахтли сезар, эй қушча, сенга ўхшаган одам.

II

Одам ғам чекса, бу – орзу йўлин вазминлигиданмас,
Келар ғам барча инсон тушмагач мос, бўлмагач пайваст.

Қаранг, мен Бустда, эл ичра ғариблардан ғариброкман,
Қариндош, оиламдан бўлмасам ҳамки йироқ бир пас.

III

Этса йиртқич сенга таҳдид, топилур қочмоққа жой,
Лек ёмон одам ишидан ҳеч паноҳ йўқ, вой-вой.

Қанча эллар борки, йиртқичдан малолат кўрмаган,
Лек одамзоддан азият чекмаган йўқ, ҳойнаҳой.

IV

Ҳаёт тинч бўлса, билгин сен ғанимат,
Киран жунбушга у сал ўтса фурсат.

Мудом тинчликка интил, у – гаровда,
Абад сен бирла турмас ҳеч омонат.

V

Балодай, оҳ-эй воҳ, келди тўфон,
Кемам йўқ, йўқ омон қолмоққа имкон.

Азиз жонингга мотам бошла, ожиз,
Паноҳин сенга очмас бўлса осмон.

АБУЛҚОСИМ ДОВУДИЙ

I

Ширинсўз бўлмоғинг кўп фойдали, соз,
Ахир сутни ширин айлайди ибсос.

Ширинсўз бўлдим-у, мен кўрмадим наф,
Кийик ҳам эчкига сингмас ширин роз.

II

Туюлган бўлса бўри яхши бир бор,
Уларнинг қошига ҳеч борма такрор.

Агар қўйлар аро қўй терисинда
Тириклик қилса бўри, кўп хатар бор.

III

Қаранг, гуллар сўлиб бормоқда ҳар дам,
Қулаб бормоқда кўкдан ерга ой ҳам.
Бўлур ғойиб шу тахлит барча тоғлар,
Денгиз сингиб кетар тупроққа кам-кам.

Бу тақдир фазл ўқи-ла динни отгач,
Қалай бўлгайки динни мадҳ этсам?

Бугун оламдан ўтди ақли жонбахш
Ва қудрат бобида тенгсиз бир одам.

АБУЛФАЗЛ УБАЙДУЛЛОҲ ИБН АҲМАД МЕКОЛИЙ

I

Пок муҳаббатга сахий оҳу бу он
Менга этмиш дарди ҳижрон армуғон.

У ҳижоб бирлан бўлур ғойиб, нетай,
Бўлса ҳамхонам, этар бағримни қон.

У менинг руҳим, бу хил ғойиб бўлиш
Руҳ учун инкор этилмас ҳеч қачон.

II

У бир оҳуки, барқидан этур чакмоқни ҳам лол,
Майига бўлмадим муҳтож, сўриб тил учидан бол.

У оҳу оташидан қалб давосин топмагунча
Энг олий нав шаробидан шимирдим роса хушҳол.

III

Шивирлаб аста ул оху менинг кафтимга лаб урди,
Дедим: «Кошкийди кафтим бул нафасда лаб бўлиб қолса...»

IV

Мени ўз васлидан маҳбуба даф этди,
Кўзимдан уйқуни бу дард ялаб кетди.

Сочилди ёшларим дур мисли ҳеч сўнгсиз,
Бу ҳол охир қовоғимни садаф этди.

V

Гўзаллик Каъбадир, кўрмоқчи бўлган кимса ҳаж айлар,
Ўшандай беқиёс бир охуга жоним фидо бўлди.

Муҳаббат айлагач даъват, дедим бошим эгиб «Лаббай»
Ва эҳром боғладим, кўнглимга зўр ихлоси жо бўлди.

Эрур пайваст қовоғим йиғламоқ ҳам уйқусизликдан,
Севиб ҳаддан зиёд, бу телбаваш кўнглим жудо бўлди.

VI

Бизга ижод этди бул кун навбаҳор
Марварид ичра ақиқдек лолазор.

Шодадан боққан шақойиқ гуллари
Хол безатган қиз юзидек беғубор.

VII

Менга хушбўй бир бинафша эт ато,
Қалбга шодлик айласин бахш бехато.

Қисқа умримнинг давомли бўлмоғин
Эт хабар, деб, унга қилдим илтижо.

VIII

Устидан зулмат либосин итқитиб,
Ўз қинин тарк айлаган шамширнамо,

Ёки кўксин дўстга кўз-кўз айлаган
Қиз каби гўзал бу тонгга марҳабо.

IX

Булут оқ зарралар ёғдирди шохларга,
Бамисли нур ва гул қўнди бутоқларга.

Қоришган, эриб оққан жисми ўхшарди
Суриб кофур, жилоланган қовоқларга.

X

Майни тарк этсам, койинди бир аёл:
«Эй саховат соҳиби, айт, бу не ҳол?

Май оловдир юзда, қалб тафтин олар,
У зулумот ичра нурдир эҳтимол!»

Мен дедим: «Пандингни қўйгин, эй фалон,
Гарчи доноликка майлинг бор хиёл.

Май - ҳаёлик-чун уят, ўчмас гуноҳ,
Аҳли дониш-чун ўлимдир бемалол».

XI

Чавандозларга от ҳар нарсадан афзал,
Ёқар ҳайрат ўтин кўзларда у ҳар гал.

Биёбон узра бургут, тоғда оҳулар,
Балиқ дарёда ҳар недан эрур гўзал.

XII

Азиз дўстимга севгим қалбда чексиз,
Эрур ширин унинг ҳам лафзи шаксиз.

У йўқ эрса, бўлур мажлис нигорон,
Қилур роҳат у келгач аҳли мажлис.

XIII

Ул қадирдоним узоқлаб кетса кўп,
Қадрини қиммат туярман дам сайин.

Қанчалар кўп ўсса токнинг навдаси,
Шунга ўхшаб, меваси келгай яқин.

XIV

У истар ўз уйин кенг-мўл бўлмоғин,
Шу тахлит ювмоқ истар дилдаги доғин.

У бахтсизликни қайнатмас қозонида
Ва ҳис ҳам айламас роҳатнинг қаймоғин.

XV

Бу жаҳонда бир қабих хонанда бор,
Кеча-кундуз афтидан ёққай ғубор.

Куйламоқ истар у, лек кўнмас овоз,
Созга бармоқ урса, миқ этмайди тор.

XVI

Мунча бешафқат эрурсан, эй замон,
Хурматинг йўқ яхшиларга ҳеч қачон.

Сен лаимлар дўстисанки, шул сабаб
Меҳр кўргуздинг уларга бегумон.

Дарду офат ташвишин чекмас лаим,
Ўтказар ишратда умрин соғ-омон.

Лойқалардан соф этибсанки йўлин,
Кун кўрар дунёда енгил ҳам равон.

Шодлигин ҳар шохи зар ҳалли эрур,
Истаги доим бажо бўлгай осон.

Олиҳимматларнинг шўрли бошида
Сен буюрган беаёв қўл ҳукмрон.

У, карамлиларнинг орзу-мақсадин
Ҳар мусибат чоғи янчар беомон.

Бир карамли кутса бул кун яхшилик,
Айлагайсан эрта аҳволин ёмон.

Боғи – саҳро, шодлиги – жангу жадал,
Умри эрса паст-баландликдир ҳамон.

У денгиз истаб, топибдир томчи сув,
Қалби муз, пат ўрнидан унмиш тикон.

Эй замон, зулмингни охир айла бас,
Яхшилар – дарёда гавҳардир, инон.

Сезса бул сирни азим дарё агар,
Унга меҳру дўстлик этгай армуғон.

Олиҳимматлар бу гунг зулмат аро
Нурли юлдуздир, берар борлиққа жон.

XVII

Ҳадя этгач, мол учун фозилга тама этмагин,
Тухфа кетгач, тез кўпайгай жам бўлмоқ-чун тагин.

Яхши деҳқон яхши ҳосил кутса тоқдан, доимо
Шартта кесгай мева қилмай, тама қилган сурхларин.

XVIII

Хоҳ фаровон, хоҳ аламлидир замон,
Яхши дўстинг сен-ла тургай ёнма-ён.

Қайтгай ул ёнингга кўп инъом билан,
Айлаган бўлсанг қачондир армуғон.

XIX

Берилмас ҳирсга оқиллар, қаноат қил, қаноат,
Тириклик ўтса осуда, шудир энг зўр фароғат.

Ҳалок бўлгай одамлар молу давлат кўплигидан,
Товуснинг бошига ўз патлари элтгай ҳалокат.

XX

Умр муддат-ла ўлчанмас, чўзилгай яхши хотирда,
Ажал ҳам чин ўлим эрмас, уят ўлдиргай охирда.

Этиб эҳсон-мурувват хотиринг умрин узоқ этсанг,
Бу дунё бор экан, икки ҳаётинг жам бўлур бирда.

АБУ НАСР МУҲАММАД ИБН АБДУЛЖАББОР УТБИЙ

I

Юзи гўё ҳилол, нурли яноғи бор
Ва соҳир сурмали икки қабоғи бор.

Қасос чоғи у Бадр кунин эслатса,
Табассум чоғи ойдиндек сиёғи бор.

II

Ўшал оҳучани севдим, оғирдир менга ҳижрони,
Топиш мумкинми бу дардим даво этгувчи инсонни.

Тўшар ўз соясин офтоб, йўлимдан чалғитар юлдуз,
Қилар маст сув, фақат ел сал босар ақлимда туғённи.

Ўзим ҳам бу касалликдан қутилмоқ истамайман кўп,
Топилмас ишқ деган дарддан халос бўлмоқнинг имкони.

Табиб: «Қон олдилинг» дер менга, мен қўрқувдаман аммо,
Не бўлгай қон билан тарк этса ишқ тан номли дунёни.

III

Азоблар берса ҳамки менга хоним,
Фидо бўлсин азиз меҳмонга жоним —

Эзилган чоғда ҳам бағрим кабобдай,
Ичилган чоғда ҳам захмим шаробдай.

IV

Сен «муҳолиф»ликни «тол»дан олибсан,
Лекин иккисин ҳам этма ихтиёр.

Мева безар эди бўлса тол яхши,
Афсуски, беҳосил ўсар у беор.

V

Сўрашган эрди: «Сочинг оқи недан?»,
Жавоб айтдим ҳалолу поку танти:

- Тегирмонни замон айлангириб терс,
Умрининг унлари бошимга кўнди...

VI

Ғазаб қилди, дердим, ярамас даврим,
Билсам, эргашаркан жоҳилга доим.

Унга баҳол-қудрат ёр олиб берсам,
Ҳатто қўшилмасдан ҳайдабди золим.

АБУ НАСР ИСМОИЛ ИБН ҲАММОД ЖАВҲАРИЙ ФОРОБИЙ

I

Одамлардан узоқлашмоқни хоҳлаб қолса ногоҳ дил,
Узиб ташлар эдим дўстлик ипин балки пушаймон-ла.

Одам иззат тилар доим ва лек узлатдадир иззат,
Бу дунёда кечиргай кун фақат инсон инсон-ла.

II

Бир йигит кўрдим, ҳаёсиз, баджаҳл,
Ақли қашшоқ, кўзи кўк, рангги заҳил.

Шул сабабданки, Язид ибн Ҳиндни
Ибн Бутулдан яхши дер у беақл.

III

Бизни даъват айлагувчи, чекма ғам,
Бунда Курздан ҳоксорроқ ҳар одам.

Мен учун сув тоза анбардай эрур,
Анбар эрса кўп азизу мухтарам.

Ғар қутилмоқ истасанг нон ваҳмидин,
Беғараз сув бирла эт оғзимни нам.

IV

Худди ётгандек Юнус Ҳут қорнида,
Мен – Нишопурликнинг осмони қаро.

Гўшаю қалбимни қучмишдир булут,
Қолди ҳаттоки қуёш зулмат аро.

АБУ САЪД АБДУРРАҲМОН ИБН МУҲАММАД ИБН ДЎСТ

I

Хабар бер менга, оҳу, этма муштоқ,
Тиш урди олмага ким ҳамда қандоқ?

Ким у илк бора пок ҳуснингга теккан,
Қасамки, ошкоро айла тезроқ.

Яноғингга қизил гул бирла босган
Таоло муҳрини ким бузди бундоқ?

Бу номақбул ҳунар из қолдирибдир
Гўзал ҳам сертабассум юзда, эвоҳ!

Мулойим теринг узра марваридлар
Шошилмай томчилаб турганда гоҳ-гоҳ,

Қизил гул сингари анбар кумушдан
Халос бўлгандайин ранг очди ногоҳ.

II

Кийиклар ёнидан ўтганда бир гал,
Тушиб қолдим ўзим беҳос асирга.

Боқиб бир, жону танни маҳв этувчи
Аёвсиз ўқларин санчди бағирга.

III

Бир оху бирла суҳбат бошласам хушҳол,
Сузиб мастона кўз, маст айлади дарҳол.

Яноғи этди рад мен гул сўраб қолсам,
Лаби рад этди мен оҳиста сўрсам бол.

IV

Илмни ёд олиш лозим, китобга жамламоқ - хом иш,
Уни йўқ айлаши мумкин кутиб ҳар лаҳза бир офат.

Асов сув ғарқ этар беҳос, олов кул айлағай ногоҳ,
Ўғирлар ўғрилар, сичқон ғажиб ташлайди деб «овқат».

V

Жоҳилу нодон бу кунлар шод эрур,
Аҳли донишнинг иши фарёд эрур.

Бу замон бозоридан олсанг хабар,
Дафтару довот ҳамон косод эрур.

VI

Оҳу кадри – тери эрмас, мушкида,
Бўлмагай олтин баҳоси иккита.

Зумрад ўрнин босмагай ҳеч қайси тош,
Бўлса ҳам тенг вазни инсон илкида.

VII

Кичраяр тан йилларинг ўтган сари,
Ўстирар аммо ақл мулкин қари.

Нархи ошгай тилланинг, эритсангиз,
Бўлса ҳам ихчам, кетиб тўполлари.

VIII

Мободо тош билан тенг тортса айёр,
Нечун олтин уят чекмоғи даркор?

АБУ ҲАФС УМАР ИБН АЛИ МУТТАБИЙ

I

Келибдир пўртахол, кутмоқдаман шодмон,
Ёқар у тонгда ғоят, бўлса ҳам нордон.

Десам ошиқ ўзим, ошиққа ўхшар ул,
Не бўлган чоғда ҳам гўзал эрур чандон.

II

Келди гўзал бир равоч, кўк лўя бирла жуфт бўлиб,
Хўп ярашмиш бир-бирига, худди тургандай кулиб.

Тоза бармоқларга гўёки забаржаддир безак,
Фил суяк янглиғ билак гўё турар яктан қилиб.

III

Хулқи хуш маҳбуб, буюргандай фалак
Май билан бошимда бўлди чирпирак.

Менга соф дурдан ичиргач у ҳақиқ,
Тутди ул шаффоф ҳақиқдан дур-газак.

IV

Тонгда боқсам, беқиёс бир жажжи оҳу келадир,
У қуёшу ойга ўхшар, ё чирокдан шуъладир.

Тишларидан, кўзларидан, ол яноғидан менга
Худди май, ҳа, худди май гўёки томган бўладир.

V

Нетай, бўлсам мен ул оҳуга банди,
У ўз тенгин топиб дил боғлаганди.

Ёшим бўлмай йигирма, мўйсафидман,
Ташаккур, минг ташаккур сенга, тангри.

VI

Қувон, ишқинг жудо этмиш шуқуҳимдан,
Топилмас битта ҳам соғ жой вужудимдан.

Олиб ишқ қалбни, оздирмишди андоққи,
Таним ожиз эрур ҳаттоки руҳимдан.

VII

Рўза то битгунча ҳар бир эл ҳайитга зордир,
Менга гул чехранг ҳайит, васлинг эса ифтордир.

Барча одам кутса ифтор кўп ширинликлар билан,
Мен учун икки юзинг сочган атир даркордир.

VIII

Қадахга тонгда қуйгин тилла ранг май,
Булут келмоқда, бағри ғамга ўхшар.

Булут ичра яшин кулмоқда йиғлаб,
Тил узра арзи бор одамга ўхшар.

IX

Кечалар шундай қароки, кечалар шундай қаро,
Унда кузғундан бўлак бир нарса бўлмас мутлақо.

Умримиз тун бирла ўтди, унда биз ичган шароб
Шўх хўрознинг кўзларидай беғубору босафо.

Келтирар яшнаб товусдай ул шаробни биз томон
Енгил одимли, вафодор, хипча бел бир маҳлиқо.

Ўлтирар биз – куйга ошиқлар аро хонанда ҳам,
Тинглангиз, у худди булбулдай ёниб айлар наво.

Сел бўлиб куй ичра, ногоҳ кўз югуртсам ҳар томон,
Ўлтириб тол узра тўрғай, қайтарар аксу садо.

Лочин эрса патларин бир-бир ёзиб, пардоз этар,
Уйғотиб оламини, оппоқ тонгни келтирмиш сабо.

X

Бу қизғончиқ замондан чекмаган бўлсанг алам, озор,
Сени кўп мўътабар этмоққа одамлар турар тайёр.

Амир бўлгач ва айлангач Рабиа соқчи кўппакка,
Думидан тортишиб аста, суяб турғиздилар такрор.

XI

Ширин тилдир Абу Мансур бағоят,
Топар ҳар сўзидан ҳар ташна роҳат.

Бирор кун назмидан бебаҳра қолсак,
Ўзин излайди кўз, қилмай қаноат.

АБУ ЖАЪФАР МУҲАММАД ИБН ҲУСАЙНИЙ ҚУММИЙ

I

Ўйласам, шаҳри Нишопурнинг амалдор, зўрлари –
Тангримиз наҳсликда қилган бир мусибат ё хато.

Унда бир кун ишлаганлар икки ой маҳбус эрур,
Бир тийин деб, аҳли дониш дарра еб бўлгай адо.

II

Эй азиз шайх, ушла Маъқил қўлларин,
Ақлу эсдан у қолур мангу йироқ.

Унга довод тутқизиб зулм этдилар,
Асли бермоқ шарт-ди кетмон ё ўроқ.

III

Одамлар жоме масжиднинг имомин
Заб зинокор дер,

Фақат ўлмоқчи оч одам
Ўлимтик нарса гўштин ер.

IV

Хўп хасиссан, лек сахийликлар қилурсан тил билан,
Кошки эрди бу саховатларни қилсанг қўл билан.

АБУ САҲЛ МУҲАММАД ИБН СУЛАЙМОН СУЪЛУКИЙ

I

Йўқотмай иззатим, топган эдим мен давлату аркон,
Ушалгач орзулар бир кун, уни тез айладим эҳсон.

Билардим оқибатсиз бул замоннинг одату феълин,
Қутилдим, шул сабаб, ундан танам тарк этмайин дармон.

II

Қўйиб бер ўз йўлига ушбу дунёни,
Йўқ эрса, бўлмоғинг рост тезда қурбони.

Шошилмоқ фойдасиздир, қилма мағрурлик
У хушбўй ҳидлари-ла чулғаган они.

Бирор ғофил ани мадҳу сано этса,
Тубанликларга сўнг пешкаш бўлур жони.

АБУ АБДУРАҲМОН МУҲАММАД ИБН АБДУЛАЗИЗ НИЛИЙ

I

Ўқ бўлиб учгач нигоҳи, юз ўгирдим чет томон,
Тандаги мажруҳ бу жоним зора қолгай, деб, омон.

Ишқ дер: - Ундан қутилмоқ мутлақо мушкул эрур,
Қайтаролмас ўқни қалқон, бўлса гар кўзлар камон.

II

Ёримнинг нигоҳида,
Парпираб ўйнайди нур:

Ўт – унинг яноғида,
Тафти бағримда эрур.

III

Бахил қурсин, маломат қилма бекор,
Бахилнинг молидан бўлма умидвор.

Қувиб мол ортидан, фазлин йўқотган
Одамнинг устидан кулмоққа йўл бор.

IV

Ҳар балою ҳар азобга менда бор бардош-чидам,
Гарчи тошдай эзса ҳам бошимни сўнгсиз дарду ғам.

Шон-шарафлар ин қурар албатта кулфат устига,
Ўтда куйгандан кейин бўлгай мусаффо тилла ҳам.

АБУ НАСР САҲЛ ИБН МАРЗУБОН

I

«Абулайно хабарлари»н ёздим илм йўлига,
Кўзига нур бўлар, дедим, кимдир олса қўлига.

II

У юклар менга мушкул иш, демам «ух»,
Ўтиб дамлар, танам бўлмоқда мажруҳ.

Агар айтсам, туғилгай кўп маломат,
Бу келтиргай ўзимга жабру андуҳ.

Бирор йўл бормикин бундан ҳам ўзга,
У ботин йўлни излаб талпинар руҳ.

III

Тақмагин суҳбатда айб дўстимга сен,
Дўстда иллат бўлса гар, айбдори мен.

Шул сабаб, завқ чоғи бу касбингни қўй,
Ёки қўйгин менга ҳам ул айбни тенг.

IV

Изладим майдан даво, чаққач чаён,
Кетди оғриқ, сал ҳаловат топди жон.

Менга кўп лутфу карам кўргузди, деб,
Ул шифокор майни мақтайман ҳамон.

V

Биров ҳаддан ошиб, кўп қалқиган чоғ
Бўлур меҳмон ўлим ҳам унга тезроқ.

Табиат бирла ёв ортиқча ҳар не,
Шунинг-чун яхшидир моромда турмоқ.

VI

Ёмондан қоч ва доим яхши бирлан бўл,
Уларнинг ҳар ишидан сенга чиққай йўл.

Одамнинг хулқи ҳам бир дардга ўхшайдир,
Юқар албатта ул дард кимга берсанг қўл.

VII

Илм офтоби, асрим ичра якто
Амир Насрга мен ёздим муаммо:

Недир ҳар қасру ҳар бир уй, ҳар одам
Зарур деб асрагувчи жисми-аъло?

Сиқиб олсанг, бўлур бозорда пайдо:

АБУ МУҲАММАД ҲАСАН ИБН АҲМАД БИРУЖАРДИЙ

I

Бу сиркорий идишни бизга инъом этган одам
Қилиб доим саховат, марҳабо, ҳеч бўлмасин кам.

Унинг эъзози бирла манзилим бул кун фаровон,
Фаровонликда ризқим ҳам эрур чандону чандон.

Қаранг, бизни табоқий жўжа бирлан сийламишлар,
Уни, ҳар галгидай, тожинда жиз-биз айламишлар.

Чекибдир саф у хушбўй жўжа гўштин соясида
Мисрнинг қоп-қаро тундай, бўғиндор лўяси-да.

Унинг қурт мисли хушхўр ҳам йирик донин териб еб,
Борардим гоҳ хаёлга «лўями ё марварид?» деб.

Ивитмишлар уларнинг баъзисини сирка бирлан,
У ўз хуш бўйи-ла очлик азобин енгар эркан.

Турар олхўри, номин бошқаси – райники, нордон,
Олиб оғзимга солдим они бургут мисли чаққон.

Булардан сўнг келар этмоқ учун ҳушёр асал ҳам,
Татиб кўргач тузалгай тезда танбал ё касал ҳам.

Бу соз ҳам беғараз инъом ила соз бўлди кайфим,
Сахий мавлойима дилдан ташаккуримни айтдим.

II

Ғам билан ўткизма ҳеч сешанбани,
У берилгандир фақат шодлангани.

Ғар замонанг ётса ғафлат лойида,
Ишга солгин сен фароғат-чун ани.

Бил ғанимат ўлжани, шатранжда ҳам
Вақтни ютган кимса бергай зарбани.

АБУЛФАТҲ АҲМАД ИБН МУҲАММАД ИБН ЮСУФ КОТИБ

I

Эмас хом шеърларим, мазмуни ҳам бут
Ва лекин йўқ даромад, уйда йўқ қут.
Синов этсанг хатим ҳам шеърларимни,
Хижолат ичра қолгай дур ва ёқут.

Менинг айбим шуки, сурбет эмасман,
Шу боисдан мени дер ҳамма ношуд.

II

Юзин терс қилди раҳбар, кетди қадрим,
Кузатдим барчасин аммо туриб жим.

Кичикроқ бўлди кулбам кўкрагимдан
Ва мангу йўқчилик ёнида қолдим.

III

Қўйибдир шайх соқол улкан ва пахмоқ,
Соқолга мардикор гўё ул аҳмоқ.

Худойим, унга мўй юлгувчи косиб
Ва ёки сартарош дуч айла тезроқ.

IV

Зикр айланди шайхнинг одати бир-бир,
Бир «эҳсони»га ўн таъзим бажо келтир.

Карамли кимсалар-чун ҳовлиси узра
Кучукнинг гўшасидек жой аталмишдир.

V

Нишопурни, кетар деб ташна дил чанги,
Илиқ ёмғирга сероб айлагин, тангри.

Латофатли, зариф котиблари кўпдир,
Улар бирлан менинг ҳам турмушим хўбдир.

У котиблар кўзим олдида келган пайт
Тушар ёдга Зухайр Хурошдан ушбу байт:

«Сиз аввал ўлтирардингиз тўшак узра,
Бу гал лек ўлтириб қўйдингиз оқ юзга».

VI

Бу ёзнинг тунлари кўзгаб фалокат,
Танимда бургалар айлашди роҳат.

Балолар ичра дардкаш кечди ҳолим,
Чақар шундоқ ҳасадгўй бирла золим.

АБУ ҲОТИМ ВАРРОҚ

I

Нетай, албатта варроқлик қаро меҳнат,
Маош этдим бу касб бирлан кўриб миннат.

Кафансиз кетмоғим мумкин агар ўлсам,
Тирик бўлганда-чи, бийлатмагай овқат.

II

Тол гулин кўрдим ва сездим афтидан:
Фарқи йўқдир ҳеч мушукнинг кафтидан.

АБУ НАСР АҲМАД ИБН АЛИ ЗАВЗАНИЙ

I

Бормикин олисга этгувчи сафар
Хотири жамликни севган яхшилар?
Соз бўлар Завзанга қўйган чоғ қадам
Ноғиҳон дуч келса доно шайх агар,

Зулм этиб тақдир, Ироқда ўғлининг
Навда янглиғ синганин этса хабар.

II

Агар миннат билан берсанг, керакмас менга бу дунё,
Ахир хўрлик билан топган амал-иззатда не маъно?

Севарман чин юракдан этмас эрса сурмасин миннат,
Туғилгандан буён ҳам икки кўзи сурмали барно.

III

Тингла, эй, ғам чоғи, таъб бўлганда хит,
Ҳар одам кўрмоқ умид этган саид,

Келди меҳмон, гарчи кўп хушҳолман,
Не билан кўнглин олай деб лолман.

Шу сабаб кўнглим менинг тангдир бу он,
Йўқ суянчим, бор умид сендан ҳамон.

Тиклагин шодлик ва завқ осмонини,
Бир кўрай юлдузларинг хандонини,

Бир ичайлик, уйғотиб қалбларни ҳис,
Қалбга айлансин ниҳоят жисмимиз.

МУНДАРИЖА

Ҳусниддин Шарипов. Ўн аср оша	3
Баҳром Шарипов. Абу Мансур Ас-Саолибий Х аср арабнавис шоирлари ҳақида	6
Абу Мансур ас-Саолибий	13
Абу Толиб Абдуссалом Маъмуний	14
Абу Бакр Хоразмий.....	16
Абу Саид Шабибий	17
Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим Раққоший ..	17
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид	19
Абулфазл Аҳмад ибн Ҳусайн Ҳамадоний	21
Абулфатҳ Бустийнинг ҳикматли сўзларидан	21
Абу Сулаймон Ҳаттобий	30
Абулқосим Довудий	31
Абулфазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Меколий	32
Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор Утбий	38
Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий Форобий ..	39
Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Дўст	40
Абу Ҳафс Умар ибн Али Муттабий	42
Абу Жаъфар Муҳаббат ибн Ҳусаний Қуммий	45
Абу Саҳл Муҳаббат ибн Сулаймон Суълукий	46
Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн Абдулазиз Нилий ...	46
Абу Наср Саҳл ибн Марзубон	47
Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад Биружардий	49
Абулфатҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Котиб	50
Абу Ҳотим Варроқ	52
Абу Наср Аҳмад ибн Али Завзаний	52